

ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ботирова Раҳимахон Абдуҷаббаровна

Наманган давлат техника университети доценти
иқтисодиёт фанлари номзоди, ORCID: 0009-0007-7606-2653

Сирожиддинов Иқромиддин Қутбиддинович

Наманган давлат техника университети профессори
иқтисодиёт фанлари номзоди, ORCID: 0009-0004-6147-547X

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг замонавий ривожланиши хусусиятлари халқаро аудит стандартларини жорий этиши шароитида комплекс тарзда тадқиқ этилган. Тадқиқотнинг асосий мақсади — миллий аудиторлик тизими эволюциясини, унинг норматив-ҳуқуқий асосларини ва халқаро аудит стандартлари (International Standards on Auditing – ISA) талабларига мослашув даражасини баҳолаш ҳамда аудитнинг иқтисодий муносабатларда манфаатлар уйғунлигини таъминлашдаги институционал ролини аниқлашдан иборат. Мақолада халқаро аудит стандартлари умумий мазмуни ва таркибий тузилиши бизнесда манфаатлар уйғунлигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида концептуал ёндашув асосида илмий тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: аудит, аудиторлик фаолияти, молиявий ҳисоботлар, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, аудитнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, аудитнинг миллий стандартлари, манфаатлар уйғунлиги.

КИРИШ

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви, капитал бозорларининг кенгайиши ва корпоратив бошқарув тизимининг ривожланиши молиявий ахборотнинг ишончлилигига бўлган талабни кескин оширмоқда. Иқтисодий қарорлар қабул қилиш жараёнида инвесторлар, кредиторлар, давлат органлари ва бошқа манфаатдор томонлар корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигига таянади. Шу жиҳатдан мустақил аудит институти иқтисодиётда ахборот шаффофлигини таъминловчи ва ахборот асимметриясини камайтирувчи муҳим институционал механизм сифатида намоён бўлади.

Аудиторлик фаолиятининг аҳамияти фақат молиявий ҳисоботларни текшириш билан чекланмайди. У бозор иқтисодиёти шароитида мулкдор ва бошқарувчи (менежмент) ўртасидаги агентлик муносабатларини тартибга солиш, инвестицион хавфларни пасайтириш ҳамда капитал бозорларида ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Айнан шу сабабли ривожланган мамлакатларда аудит иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида

қаралади ва унинг ҳуқуқий ҳамда методологик асослари халқаро стандартлар орқали тартибга солинади.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ташкил этилишида ва молиявий назорат амалга оширилишида ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий эркинликларни назарда тутадиган, эркин рақобатни ва инновацион ривожланишни рағбатлантирадиган ва шу асосда иқтисодиётда манфаатлар уйғунлигини таъминлаб турадиган тажрибасини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги ва Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларининг умумий мазмуни ва аниқ қоидалари айнан шу мақсадларни назарда тутди⁶.

Мувофиқ равишда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Аудитнинг миллий стандартларида ҳам муҳим равишда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва Аудитнинг халқаро стандартлари талаблари акс эттирилган. Шундай бўлсада, бу борада қатор тафовутлар сақланиб қолмоқда ва, жумладан, хорижий инвесторларнинг миллий бухгалтерия ҳисобининг ва миллий аудит тизимининг маълумотларига тўла ишонч билан ёндашмаслиги сақланиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Жаҳон иқтисодиётида аудит институтининг шаклланиши капитал бозорларининг ривожланиши ва корпоратив мулкчиликнинг кенгайиши билан бевосита боғлиқдир. Классик иқтисодий назарияларда аудит, аввало, агентлик муаммосини (principal-agent problem) юмшатувчи механизм сифатида қаралади. Корпоратив бошқарув шароитида мулкдор ва менежер манфаатлари ўртасидаги тафовутлар молиявий ҳисоботлар ишончлилигига бўлган эҳтиёжни кучайтиради ва мустақил аудит институтининг шаклланишига олиб келади.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш сўнгги йилларда норматив-ҳуқуқий ислохотлар билан боғлиқ ҳолда жадаллашди. Хусусан, аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг янги механизмларини жорий этиш, лицензиялаш тизимини соддалаштириш, ташқи сифат назоратини кучайтириш ва халқаро аудит стандартларига ўтиш бўйича чора-тадбирлар миллий аудит тизимининг институционал ривожланишини таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга, аудиторлик хизматларига нисбатан ишончнинг етарли даражада шаклланмаганлиги, аудиторлар малакасининг нотекслиги ва аудит натижаларининг инвестицион қарорларга таъсир даражаси пастлиги каби муаммолар илмий адабиётларда ҳам қайд этилмоқда.

Демак, мавжуд илмий тадқиқотлар аудитни молиявий назоратдан кенгрок тушунча сифатида — иқтисодий муносабатларда ахборот шаффофлигини таъминловчи институционал механизм сифатида талқин қилиш зарурлигини кўрсатади.

⁶Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонуни.

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқот методологияси институционал иқтисодиёт ва аудит назарияси концепцияларига асосланади. Тадқиқотда аудиторлик фаолиятини иқтисодий тизимнинг ахборот инфратузилмаси элементи сифатида ўрганишга концептуал ёндашув қўлланилди. Тадқиқот давомида норматив-ҳуқуқий, қиёсий, институционал таҳлил усулларида ҳамда мантиқий-абстракция ва илмий умумлаштириш усулидан фойдаланилди. Олинган натижалар асосида аудиторлик фаолиятининг замонавий ривожланиш тенденциялари умумлаштирилди ҳамда миллий аудит тизимини такомиллаштиришга оид илмий хулосалар шакллантирилди. Мазкур методологик ёндашув аудиторлик фаолиятини фақат текширув амалиёти сифатида эмас, балки иқтисодий мувозанат ва бозор ишончилигини таъминловчи институционал механизм сифатида баҳолаш имконини берди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори мамлакатда аудит тизими фаолиятини замонавий бозор иқтисодиётига хос молиявий назорат талабларига мувофиқ ҳолда олиб борилишига эришишга хизмат қилмоқда⁷.

Қарорда ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилганлиги, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилганлиги, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратаётганлиги қайд этилган.

Мазкур Қарор билан 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилди, унга мувофиқ:

тижорат ташкилоти, агар у ҳақдаги ахборот Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан бошлаб уч ой давомида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилмаган бўлса, ўз номида «аудиторлик ташкилоти» сўзларидан фойдаланишга ҳақли эмас;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия лицензиатга барча турдаги аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини беради;

аудиторлик ташкилотининг устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, шу жумладан пул маблағларидан шакллантирилади;

аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар штатдаги аудитордан иборат бўлади; айнан битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текшируви кетма-кет

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.

етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар уч йилда камида бир марта аудиторлик ташкилотлари ишининг сифати ташқи назоратдан ўтказилади;

аудиторлик ташкилотлари ўзларининг веб-сайтларида ёки аудиторлар жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда эълон қилади.

2019 йил 1 январдан аудиторлик ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдорига доир; аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг аттестациядан ўтиши бўйича; устав капиталида давлат акциялари (улушлари) тўплами 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат ичидан танлов асосида танлаш тўғрисидаги талаблар бекор қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги [Қонунига](#) тегишли ўзгартиришлар кучга кирадиган кундан бошлаб аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширади. Мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилинади.

Аудит халқаро стандарти молиявий ҳисоботлар аудитини амалга оширишда иқтисодий субъектларнинг тўрт гуруҳини назарда тутати:

1) қимматли қоғозлари уюшган молиявий бозорларда муомалада бўлишига рухсат этилганлар қимматли қоғозлари ташкил этилган савдоларга қўйилган ташкилот бўлмаган ташкилотлар(молиявий ҳисоботлари умумий фойдаланиш учун мувофиқлик концепциясинга мувофиқ равишда тайёрланган);

2) шу тоифадаги консолидациялашган (бирлаштирилган) молиявий ҳисоботлар тақдим этувчилар;

3) қимматли қоғозлари ташкил этилган савдоларга қўйилган ташкилот бўлмаган ташкилотлар (молиявий ҳисоботлари ҳаққоний тақдим этиш концепциясинга мувофиқ равишда тайёрланган);

4) қимматли қоғозлари ташкил этилган савдоларга қўйилган ташкилот бўлмаган ташкилотлар(молиявий ҳисоботлари умумий фойдаланиш учун мувофиқлик концепциясинга мувофиқ равишда тайёрланган).

Бу гуруҳларнинг барчасида олиб бориладиган аудиторлик текширувлари учун аудиторлик rischi хос. Чунки аудиторлик тадбиркорлик фаолияти бўлиб, кўрсатилган аудиторлик хизматининг келажақдаги молиявий оқибатлари учун аудиторга молиявий масъулият юкланган. Ўзбекистон Республикасининг 9-сонли миллий стандарти “Муҳимлик ва аудиторлик rischi” нинг 11-моддаси аудиторлик

рискини аудитор томонидан аудиторлик текширувининг якуни бўйича молиявий ҳисоботда аниқланмаган муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд бўлишини тан олишнинг ёки муҳим бузилишлар мавжуд эмаслигида бундай бузилишлар мавжудлиги тан олинишининг аудитор субъектив равишда аниқланаётган эҳтимоли сифатида таърифлайди. 12-моддага кўра аудиторлик rischi икки таркибий қисмдан: ажратиб бўлмайдиган riskдан ва назорат riskдан иборат бўлади⁸.

Ажратиб бўлмайдиган risk, аввало, баланс моддаларининг ва операциялар тоифаларининг моддий бузиб кўрсатишларга тортилиши мумкинлигида ифодаланади. Ажратиб бўлмайдиган riskни баҳолаш адиторнинг текширилаётган корхона фаолияти хусусиятларини, унинг ташкилий таркибини ва корхонани бошқариш тавсифларини билишига асосланади.

Нazorat riskи корхонадаги мавжуд ва мунтазам равишда қўлланаётган бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизими алоҳида ҳолида ёки биргаликда муҳим бўлган бузиб кўрсатишларни ўз вақтида аниқламаслиги ва тузатмаслигининг ёки бундай бузиб кўрсатишларга тўсқинлик қилмаслигининг эҳтимолидир. Бошқача қилиб айтганда, назорат riskи корхонадаги мавжуд ва мунтазам равишда қўлланаётган бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимининг қанчалик ишончли эканлигини тавсифлайди.

12-моддада ажратиб бўлмайдиган risk ва назорат riskи билан бир қаторда аниқламаслик riskи қайд этилади. 24-моддада аниқланиаслик riskи аудитор томонидан аудиторлик текшируви давомида қўлланаётган таомиллар реал бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлардаги реал мавжуд хатоларва бузиб кўрсатишларни аниқлай олмаслигининг аудитор томонидан субъектив равишда аниқланадиган эҳтимолидан иборат бўлади. Аниқламаслик riskи аудиторнинг малакасига ва муайян аудиторлик текшируви олиб борилишининг хусусиятларига боғлиқ бўлиб, аудитор иши сифатининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Аниқламаслик riskи ажратиб бўлмайдиган risk ва назорат riskи комбинацияси билан ҳам чамбарчас боғланган. Ажратиб бўлмайдиган risk ва назорат riskи юқори бўлган ҳолларда аниқламаслик riskи паст даражада бўлишига интилиш лозим. Шу орқали аудиторлик riskини мақбул даражагача пасайтирилиши мумкин.

Аудиторнинг riskларни ўрганиш билан боғлиқ ҳаракатлари 300-сонли аудитнинг халқаро стандарти “Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш”ни қўллашга доир қўлланма ва шарҳловчи материалнинг А2 бандида қайд этилган: “Режалаштириш жараёни пароканда қисмлардан таркиб топмайди, балки узлуксиз ва такрорланувчи хусусият касб этади. Мазкур жараён одатда олдинги аудит якунлангани заҳоти (ёки у билан бир вақтда) бошланади ва жорий аудит келишуви якунлангунга қадар давом этади⁹. Бироқ, аудитни режалаштиришда аудитор кейинги аудиторлик тартиб-таомиллари бажарилгунга

⁸ Аудит миллий стандартлари.

⁹ Sirojiddinov I. Q., Xolmirzaev U. A., Juraev E. S. Positive aspects of the cash method in small businesses in a pandemic environment. American journal of economics and business management. ISSN: 2576-5973 Vol. 4, No. 3, 2021

қадар яқунланиши лозим бўлган муайян ишлар ва аудиторлик тартиб-таомилларини бажариш муддатларини эътиборга олиши лозим. Масалан, режалаштириш муҳим бузиб кўрсатишлар рисклари аудитор томонидан аниқлангунга ёки баҳолангунга қадар қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш заруратини ўз ичига олади:

- Рискларни баҳолаш доирасида бажарилиши лозим бўлган таҳлилий тартиб-таомиллар.
- Тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланиладиган меъёрий ҳуқуқий база ҳақида ва мазкур база талабларига тадбиркорлик субъектининг мувофиқлиги ҳақида умумий билим олиш.
- Муҳимлик даражасини аниқлаш.
- Экспертлар иштироки.
- Рискларни баҳолаш бўйича бошқа тартиб-таомилларни бажариш”¹⁰.

Аудиторлик riskини аниқлаш ва баҳолашда ички назардаги камчилик ёки камчиликлар бирикмаси аҳамиятли камчиликни ташкил этиши мумкинлиги муҳим ўрин тутди. 265-сонли аудит халқаро стандарти “Ички назоратдаги камчиликлар юзасидан бошқарув юклатилган шахслар ва раҳбарият билан ахборот алмашинуви” тни қўллашга доир қўлланма ва шарҳловчи материалнинг А6 бандига мувофиқ бу борадаги масалаларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Келгусида молиявий ҳисоботлардаги муҳим бузиб кўрсатишларга олиб келадиган камчиликларнинг эҳтимоли.
- Тегишли актив ёки мажбуриятнинг йўқолиш ёки фирибгарликка нисбатан таъсирчанлиги.
- Баҳоланган суммаларни, масалан ҳаққоний қийматдаги ҳисоблаб чиқилган баҳоларни аниқлашнинг ноҳолислиги ва мураккаблиги.
- Камчиликларга дучор бўлган молиявий ҳисобот суммалари.
- Камчиликка ёки камчиликларга дучор бўлган счёта қолдиғида ёки операциялар туркумида содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган фаолият ҳажми.

Айни пайтда қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилаётганлиги ҳам таъкидланган:

- аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралиши сақланиб қолмоқда;
- аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқарди, бунинг оқибатида аудиторлик

¹⁰ Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами. I қисм. 402-бет.

хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасайиши кузатилди;

- аудиторларни махсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарликнинг ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мослигини таъминланмади, бу эса аудитор касби нуфузининг пасайишига олиб келмоқда;

- аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу эса лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шароитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермайди;

- аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмаслиги хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламади.

Қарорда аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида қатор вазифалар белгиланди:

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини қўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;

ёшларни аудиторлик касбига жалб этиш, хусусан профессионал жамоат бирлашмаларининг тегишли олий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлигини таъминлаш;

аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик тармоқларига жалб этилганлик даражасини ошириш, шу жумладан аудиторлик ташкилотларини, аудиторларни аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларида фаол услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш;

аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг халқаро аудит стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ушбу стандартларни қўллаш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини оммалаштириш бўйича фаолиятини фаоллаштириш.

ХУЛОСА

Молиявий ҳисобот жараёни учун назоратларнинг муҳимлиги қуйдагиларни ўз ичига олади:

- Умумий мониторинг назоратлари (масалан раҳбарият кузатуви).
- Фирибгарликни олдини олиш ва фош этиш устидан назоратлар.

- Аҳамиятли ҳисоб сиёсатларининг танланиши ва қўлланилиши устидан назоратлар.
- Ўзаро боғлиқ томонлар билан йирик операциялар устидан назоратлар.
- Тадбиркорлик субъекти бизнесининг одатий йўналишидан ташқарида бўлган йирик операциялар устидан назоратлар.
- Давр охири молиявий ҳисобот жараёни устидан назоратлар (масалан, такрорланмайдиган бухгалтерия ёзувлари устидан назоратлар).
- Назоратлардаги камчиликлар натижасида фoш этилган истисноларнинг сабаби ва даврийлиги.
- Камчиликнинг ички назоратдаги бошқа камчиликлар билан ўзаро алоқаси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.

1. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон [қарори](#)
4. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.
5. Аудит миллий стандартлари.
6. Sirojiddinov I. Q., Holmirzaev U. A., Juraev E. S. Positive aspects of the cash method in small businesses in a pandemic environment. American journal of economics and business management. ISSN: 2576-5973 Vol. 4, No. 3, 2021.
7. Сирожиддинов, И. Қ., & Абдуғофоров, Ғ. А. (2025). Аудиторлик фаолиятида рискни баҳолашда халқаро стандартлар талаблари қўлланишининг долзарб масалалари. International sciences, education and new learning technologies, 2(10), 106–115. <https://doi.org/10.5281/zenodo.17966720>